

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

РАХИМОВ Камолиддин Мухамаджонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси доцент, ю.ф.б.ф.д.

(90) 323-60-93

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тизими, тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати, ушбу хизматнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўрни ва ролига тўхталиниб, йўлларда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва уларни олдини олишда тизимнинг ўрни очиб берилган. Муаллиф йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бугунги кундаги тизими ва тузилишига танқидий нуқтаи назар билан ёндашиб, уни янгича замонавий шаклда мустақил институт сифатида қайта ташкил этиши зарурлиги ҳақидаги фикрларни ўртага олиб чиққан.

***Калит сўзлар:** йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими, тузилиши, йўл-транспорт ҳодисалари.*

ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE ROAD SAFETY SERVICE

ABSTRACT

The article discusses the system, structure and legal status of the Road Safety Service of the Department of Public Security of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, the place and role of this service in ensuring road safety, and reveals the role of the system in analyzing and preventing road accidents. The author critically approaches the current system and structure of the Road Safety Service and puts forward ideas about the need to reorganize it as an independent institution in a new, modern form.

***Key words:** Road safety, road safety system, structure, traffic accidents.*

ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА СЛУЖБЫ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены система, структура и правовой статус Службы безопасности дорожного движения МВД Республики Узбекистан, роль и роль этой службы в обеспечении безопасности дорожного движения, анализ

дорожно-транспортных происшествий, происходящих на дорогах. и роль системы в их предотвращении. Автор подошел к действующей системе и структуре службы безопасности дорожного движения с критической точки зрения и высказал мнение о необходимости реорганизации ее как самостоятельного учреждения в новой, современной форме.

Ключевые слова: *безопасность дорожного движения, правонарушитель, система безопасности дорожного движения, структура, дорожно-транспортные происшествия.*

КИРИШ

Жаҳонда глобаллашув ва интеграциалашув жараёнларининг тезлашиши билан бирга илм-фаннинг ривожланиши автомобиллашувнинг мисли кўрилмаган даражада жадаллашиб кетишига олиб келмоқда. Одамларнинг мобилликка бўлган интилиши автотранспорт ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирмоқда-ки, 2016 йилда юк машиналари ва автобуслар билан бирга кўшиб ҳисобланганда дунёда 1,32 миллиард автомобиллар мавжудлиги қайд этилган. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирга қадар бу кўрсаткич 1,4 миллиарддан ошган¹. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Тедрос Адхан Гебрейесус йўлларда ҳалок бўлаётганлар ҳақидаги маълумотларга муносабат билдириб, “Бу ўлимлар мобиллик учун йўл қўйиб бўлмайдиган тўлов. Ҳаракатсизликни оқлаш учун баҳона йўқ.”-деб таъкидлайди².

Йўл-транспорт ҳодисаси (кейинги ўринларда ЙТХ деб юритилади) сабабли вафот этаётган ва соғлиғи шикастланаётган одамлар, айниқса ёшлар ва болалар ўлимнинг юқорилиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш заруратини кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бирига айлантирмоқда. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи унинг ҳаётини муҳим манфаатларини ташкил этади, уни ҳимоя қилиш ҳамда дахлсизлигини таъминлаш давлат зиммасидаги вазифалардан биридир. Хўш, Ўзбекистон шароитида давлат зиммасидаги ушбу масъулиятли вазифани қай даражада уддаламоқда.

Ушбу саволга жавобни йўл-транспорт ҳодисаларининг йиллар кесимидаги статистик кўрсаткичларига қараш ва муаммони давлат даражасига кўтаришдан қидиришимиз тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Шу билан бирга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизими, ташкилий тузилиши ва унинг

¹How many cars are there in the world. <https://www.carsguide.com.au/car-advice/how-many-cars-are-there-in-the-world-70629>

²Йўл-транспорт ҳодисаси қурбонлари сонини қандай камайтириш мумкин? <https://uza.uz/uz/posts/y-l-transport-odisasi-urbonlari-sonini-anday-kamaytirish-mum-14-01-2020>

хукукий мақоми ҳам масалани тўғри ва ўз вақтида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратиш лозим.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, 2022 йил 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиш ўтказилган. Унда йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш чоралари муҳокама қилинган. Ушбу йиғилишда “Бу масалани охириги беш йилда бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмаган. Бу соҳа бўйича қонунлар, ишлар мутлақо қониқарсиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўлаяпти, – деди давлатимиз раҳбари³.

Бундан ташқари, 2023 йил 28 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Фарғонада бўлиб ўтган Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги раҳбари Олим Саидовга ҳайфсан берилган ҳамда Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиқлари лавозимидан озод қилинган. Президент ушбу йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар аҳволидан халқ мутлақо норозилигини айтиб ўтган.

Мамлакатимизда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари динамикаси

Йиллар	Жами ЙТХ	Ҳалок бўлганлар	Тан жароҳати олганлар
2011 йил	10611	2161	11228
2016 йил	10265	2510	10233
2017 йил	10044	2473	9637
2018 йил	8990	2262	8458
2019 йил	8092	2094	7923
2020 йил	6982	1962	6591
2021 йил	10001	2426	9230
2022 йил	9902	2356	9606
2023 йил	9839	2282	9209

Хусусан:

³ <https://president.uz/uz/lists/view/4977>

2022 йилда жами **9 902 та** йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, ўлим билан боғлиқ ҳодисалар сони **2 086 та**, тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар сони **7 816 та**, шундан, ҳалок бўлганлар сони **2 356 та**, оғир даражада жароҳат олганлар сони **3 523 та**, ўрта даражада жароҳат олганлар сони **4 614 та**, енгил даражадаги тан жароҳати олган шахсларнинг сони **15 985 та**, ногирон бўлиб қолган шахслар сони **245 тани** ташкил этган.

2023 йилда **9 839 та** йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, улардан **1 951 таси** ўлим, **7 892 таси** тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатларни ташкил этган ва **2 282 нафар** фуқаро вафот этиб **9 209 таси** турли даражадаги тан жароҳатларини олган, **3 520 таси** оғир, **5 158 таси** ўрта, **18 766 таси** енгил тан жароҳатларини олган, ногирон бўлиб қолган шахслар сони **257 тани** ташкил этган.

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазият қониқарли ҳолатда эмас, юрбошимизни ушбу масалага сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам бежиз эмас албатта. С.А. Сергеев ва П.Н. Шевченколарнинг фикрича, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш муаммоси комплекслик хусусиятига эга бўлиб, уни бартараф этиш учун ижро ҳокимияти органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва нодавлат ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатлари талаб этилади.⁴ Бироқ, бизнингча, асосий ўринни давлат бошқаруви, назорат ва контроль муҳим ўринни эгаллайди. Йўлларнинг хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг сурати ва маълум вақт ичида такрорланиш тезлиги учун «шахс-автомобиль-йўл ва атроф муҳит» тизимининг ҳолати учун ҳам давлат масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг 32-моддасига мувофиқ Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар қим мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб

⁴ С.А. Сергеев ва П.Н. Шевченко. К проблеме осуществления государственного контроля и административного надзора за обеспечением безопасности дорожного движения./ Вестник Московского университета МВД России/№9.2009.

кетиш ҳуқуқига эга. Яшаш, эркин ҳаракатланиш, Республика ҳудуди бўйлаб кўчиш хавфсиз бўлиши лозим. Йўлларда ҳаракатланиш ҳам худди шу каби хавфсиз бўлишини таъминлаш вазифаси юқорида таъкидланганидек, давлатнинг зиммасида. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини маъмурий, ҳуқуқий тартибга солиш орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш (кейинги ўринда – ЙҲХТ) соҳасидаги ҳуқуқий асос «Йўл ҳаракати тўғрисида» Қонун ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасига кўра, Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (бундан буён матнда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади) жумласига киради⁵.

Санаб ўтилган Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг орасида ички ишлар вазирлигининг таркибий бўлинмаси бўлган Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ИИВ ЖХД ЙҲХХ деб юритилади) асосий ўринни эгаллайди. Рўйхатда бир неча вазирлик ва идоралар ҳам санаба ўтилган бўлсада, республика бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни белгиловчи ва тўғридан-тўғри амалга оширувчи ҳамда масъул орган ИИВ ЖХД ЙҲХХ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. ушбу қонуннинг 16-моддасига кўра, техник ҳолати хавфсизлик бўйича белгиланган

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/6764454>

талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаши, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бажарилмаётган бўлса, кўчалар ва йўлларда таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳамда бошқа ишлар ўтказилишини чеклаши ёки тақиқлаши; йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мос келмайдиган йўллардан ҳамда темир йўлдан ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлаши ички ишлар органларининг мажбуриятидир⁶.

Мазкур қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳамда ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир⁷.

Юқоридаги қонун ҳужжатларидан кўриниб турибдики, ИИВ ЖХД ЙХХХнинг тизими учта асосий бўғимдан ташкил топган: юқори, ҳудудий ва туман (шаҳар). Ҳудудий органлари таркибида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати саф бўлинмалари, яъни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси таркибида йўл-патруль хизмати бригадаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ички ишлар бошқарма (бош бошқарма)ларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари таркибида эса йўлпатруль хизмати батальонлари (отрядлари) фаолияти йўлга қўйилган.

Тизимнинг ҳудудий бўғинини Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари, вилоятлар ИИБлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармалари ҳамда уларга бўйсинувчи саф ва махсус бўлинмалари ташкил этади. Ушбу бўғиннинг аппаратлари ўзларига берилган ваколат доирасида ўз бўйсунувидаги хизматларга умумий раҳбарлик қилади.

Юқори ва ўрта бўғилардаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати аппаратлари шаҳар ва туманлардаги бўйсунувчи хизматларнинг аппаратлари ва

⁶ Ўша манба.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>

бўлинмаларига доимий равишда ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириб келади.

Улар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибini сақлаш функцияларини фавқулодда ҳолатлар, табиий офатлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда бажарадилар. Бу аппаратлар ўзларининг оператив бўйсунушидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари – йўл-патруль хизматининг саф бўлинмалари ҳамда бошқа хизмат ва бўлинмаларга раҳбарлик қилиб, асосан бошқарув функцияларини бажарадилар.

Тизимнинг айнан мана шундай тузилиши сабабли ҳам уларда ҳудудийлик бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирлар, шаҳар ва туманнинг тегишли қисми ёки ҳаракат хавфсизлиги критик даражада бўлган қисмларига жавоб берувчи бевосита масъуллар мавжуд эмас. Бутун вилоят ҳудуди умумий хизмат олиб бориш территорияси бўлса, туман ва шаҳарларда тўрт ёки уч нафардан иборат ЙҚХ гуруҳлари мавжуд ҳолос. Улар эса ўзлари хизмат олиб бораётган бутун бошли шаҳар ёки туман ҳудудини қамраб ололмайди. Натижа юқорида келтирилган статистик маълумотлардан маълум бўлиб турибди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини бошқариш учун юқорида кўрсатилган бошқармалар таркибида қуйидаги таркибий тузилмалар фаолият юритади:

1. Йўл-патруль хизмати (бригада, дивизион, алоҳида отряд);
2. Йўл ва кўчаларнинг ҳолати ва ҳаракатни ташкил этишнинг ва бошқаришнинг техник воситаларини назорат қилиш бўлими;
3. Йўлларда ҳаракатланиш назоратини амалга ошириш бўлими;
4. Йўлларда ҳаракатланиш доирасида маъмурий қонунчиликни қўллаш бўлими;
5. Қидирув бўлими;
6. Суриштирув ишлари бўйича бўлим;
7. Автомототранспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш бўлими;
8. Автомототранспортда экология муаммоларини ҳал этиш бўлими;
9. Автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш, қайта рўйхатлаш ва рўйхатдан чиқариш, улар ҳисобини олиб бориш ва ҳайдовчиларни тайёрлаш ишлари назорати бўлими;
10. Ихтисослашган қурилиш-монтаж бошқармаси (бўлими);

11. Туман ИИБлари автомобилотранспорт воситаларининг техник ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлими (бўлинма ва гуруҳ);

12. Жамоатчилик билан ишлаш бўлинмаси;

13. Моддий-таъминот бўлими;

14. Молия-иқтисод бўлими;

15. Ташкилий-таҳлилий бўлими;

16. Шахсий таркиб билан ишлаш ҳамда жанговар ва хизмат тайёргарликни ташкил этиш бўлими;

17. Марказий-диспетчерлик хизмати ва котибият.

Мазкур тузалмалар вилоят марказларида жойлашган бўлиб, бутун вилоят ҳудудини бир вақтда қамраб ололмайди ва хизмат кўрсата олмайди.

ЙҚХХнинг мазкур мураккаб тизими уни бошқаришга, иш самарадорлиги устидан назорат ва котролни амалга оширишда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқармоқда деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, уни ортиқча юкламалардан озод этиш ва мустақил тизим сифатида қайта ташкил этиш лозим. Йўл ҳаракати хавфсизлиги жамоат хавфсизлигининг таркибий қисмини ташкил этсада, фикримизча моҳиятан мутлақо бошқа фаолият йўналиши ҳисобланади. ЙҚХХ Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаментининг таркибий қисми сифатида турар экан, унга бевосита хизмат йўналишига боғлиқ бўлмаган вазифа ва топшириқларни ҳам тушишига олиб келади. Бундай топшириқларнинг ижроси билан шуғулланиш, ЙҚХХ ходимларининг автотранспорт воситалари мулкдорлари ва ҳайдовчилари билан норасмий муносабатларга киришишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ўртада ўзаро «қарздорлик» муносабатларининг вужудга келишига ва унинг ортидан манфаатлар тўқнашувига вужудга келишига олиб келади. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг назорат функциясининг амалда бажарилмай қолишига ва ходимларининг «икки хил стандарт»да ишлашига олиб келади. Бундай ишлар йўл ҳаракати қатнашчилари ўртасидаги йўлларда ҳаракатланиш маданиятига салбий таъсир кўрсатади ва ҳаракат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

Айрим ривожланган мамалкатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, йўл ҳаракати хавфсизлиги учун алоҳида масъул идоралар мавжудлиги кўриш мумкин. Масалан, АҚШда йўл ҳаракати хавфсизлиги учун полициядан ташқари, Трассаларда йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий бошқармаси мавжуд бўлиб, у йўл-транспорт ҳодисаларида одамлар ўлимини, жароҳатланишларни ҳамда автоҳалокатлар сабабли иқтисодий йўқотишларни камайтиришга масъул

